

thread-paper, as a whipping-post); a slip of a boy (a girl); (as) lean as a rake; (as) dry as a mummy; look like a ghost; (as) dry as a chip (в значении: высохший как щепка); a bag of bones (skin and bone); be reduced (worn) to a skeleton; спадать с тела; живые мощи; драная кожа; (одна) кожа да кости; ходячий скелет; одна тень осталась; худ как щепка.

Для данной фразео-семантической подгруппы характерно наличие большого количества единиц с экспрессивным компонентом: a walking corpse (skeleton); (as) lean as a rake; (as) dry as a mummy; (as) dry as a chip; took like a ghost; a bag of bones (skin and bone): be reduced to a skeleton; живые мощи; (одна) кожа да кости; ходячий скелет; одна тень осталась; худ как щепка; имеющие как прямые («очень»),

«крайне»), так и «завуалированные» («высохший как му-мия») интенсивны [4:4].

Однако ФЕ, характеризующие худого человека (напри- мер: ходячий скелет – «очень худой, измождённый человек», (одна) кожа да кости – «крайне худой, измождённый»), как правило, имеют дополнительный оттенок сочувствия, кото- рый несёт в себе семантика слова «измождённый».

Нейтральное оценочное значение характерно для ФЕ «спадать с тела» - «худеть». Фразеологизм a slip of a boy (a girl) со значением «худышка, тростиночка» (о мальчике или девочке), имеет положительную, ласкательную коннотацию, а ФЕ (as) plump as a partridge («пухлая, толстенькая, пышка») – положительную иронически-ласкательную коннотацию.

Литература

1. Гумбольд В.фон. Избранные труды по языкознанию. - М.: «Наука», 1985. - С.478.
2. Добровольский Д.О. Национально-культурная специфика во фразеологии (1)// Вопросы языкознания. - М.: 1997. - № 6. - С. 37-48.
3. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. - М.: Эдиториал, 2004. - С. 79-87.
4. Ляпин С.Х. Концептология: к становлению подхода // Концепты. - вып 1.- Архангельск, 1997. - С. 4-26.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақоланинг максади инглиз тилида инсонни характерловчи фразеологик бирликларни таҳлил қилишдан иборат. Маълумки, фразеологик бирликлар миллий-маданий аҳборотларни ташувчи муҳим манбалардан бири бўлиб, уларни таҳлил қилиш мўайян халқнинг миллий маданияти, анъа- налари, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда тил бирликлари сирини билишнинг когнитив усули бўлиб, олам манзарасининг анъанавий тузилиши моделларини аниқлашга ёрдам беради.

РЕЗЮМЕ

Целью данной статьи является анализ фразеологических единиц характеризующих человека в английском языке. Одним из важнейших источни- ков национально-культурной информации выступают фразеологические единицы, интерпретация которых представляет собой особого рода когнитив- ную процедуру декодирования с учётом знаний народной культуры, традиций, обрядов, традиционных моделей структурирования на основе картины мира.

SUMMARY

The aim of the article is the analysis of phraseological units characterizing the man in English. One of the important sources of national-cultural information are the phraseological units, interpretation of which presents a particular type of cognitive procedure of decoding with the help of awareness of national culture, traditions, customs, traditional models of structuring on the basis of the world picture.

СИНТАКТИК БИРЛИКЛАР БАДИЙ МАҚСАДНИ ИМПЛИЦИТ ИФОДАЛАШ ВОСИТАСИ

Ф.Ибрагимова - филология фанлари номзоди

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бадий матн, эстетик вазифа, нуткий фаолият, бадий мақсад, эксплицит ифода, имплицит ифода, яширин мазмун, яширин грамматика, синтактик бирликларнинг функционал-стилистик хусусиятлари, тағмаёно.

Ключевые слова: художественный текст, эстетическая функция, речевая деятельность, художественная цель, эксплицитное выражение, имплицитное выражение, скрытое содержание, скрытая грамматика, функционально-стилистические особенности синтаксических единиц.

Key words: literary text, aesthetic function, speech activity, artistic aim, explicit expression, implicit expression, hidden content, concealed gram- mar, functional-stylistic peculiarities of syntactical units.

Бадий услуб доирасида қаралувчи матнлар, аввало, китобхонга маълум бир воқеа-ҳодиса тўғрисида маълумот берибгина қолмай, унинг руҳиятига таъсир ҳам ўтказиши. Ҳар бир бадий матнни шакллантиришда бадий-эстетик таъсирчанлики таъминлаш кўзда тутилади. Матн ва унинг турли кўринишлари ўз мазмун-моҳияти, тузилиши ва ҳажмига кўра фарқ қилишдан қатъи назар, сўзловчи коммуникатив мақсади, нутқ қаратилган шахснинг матн мазмунини идрок этиши ва қабул қилиб олишига мос бўлиши лозим. Шунинг учун инсон нуткий фаолиятида унинг ҳаётий тажрибаси, тил бирликларидан фойдаланиш қобилияти ўз аксини топади [1].

Нутқ жараёнида ҳар бир тил бирлиги муайян вазифани бажаради. Сўзловчи ёки ёзувчи коммуникатив мақсадига боғлиқ ҳолда у услубий воситага айланади. Шунинг учун нутқнинг ифодалилиги ва таъсирчанлигини, тасвирийлигини таъминлашга хизмат қилувчи бундай воситаларни ўрганиш услубиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида матн ва унинг асосий масалаларини тадқиқ этиш борасида ҳам маълум бир ишлар амалга оширилди. Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг ҳозирги даврида матн тилшунослигига, тил бирликларининг матндаги функционал-семантик, прагматик хусусиятларини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Биз ҳам ушбу мақоламизда синтактик бирликларнинг бадий мақсадни эксплицитлик ва имплицитлик тарзда ифода этиш хусусиятлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Бадий матннинг лингвопоэтик хусусиятларини ўзбек тилшунослигида биринчи марта диссертацион планда тадқиқ этган М.Йўлдошев бадий матнни лингвопоэтик таҳлил этишининг етти тамойилини: шакл ва мазмун бирлиги, макон ва замон бирлиги, матн тилининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабатини аниқлаш, бадий матнга бадий-эстетик бутунлик сифатида ёндашиш ва асар концептини аниқлаш, бадий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш, бадий матндаги имплицитлик ва имплицитлик нисбатини аниқлаш, бадий матндаги интертекстуаллик механизмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини аниқлаш тамойилларини ишлаб чиқди [2].

Маълумки, мулоқот жараёнида сўзловчи ўз фикрларини ифодалаш учун нутқнинг турли кўринишларидан фойдаланади. У ўз коммуникатив мақсади ва нуткий вазиятдан келиб чиқиб, баъзан ошқора ифода усулини танласа, бошқа бир ҳолатда эса фикрларининг маълум

қисмларини яширин воситалар орқали етказишга ҳаракат қилади. Сўзловчи фикр ифодалянинг эксплицит, яъни очик усулидан фойдаланса, унинг гаплари кўпроқ нутқ қаратилган шахсга маълумот етказиш, уни хабардор қилиш билан чегараланади. Яширин, яъни имплицит тарзда фикр ифодаляшда эса маълум бир услубий мақсад кўзда тутилади. Бунда сўзловчи томонидан танланган тил бирликлари тингловчига хабар етказишдан ташқари сўзловчининг ички мақсади акс этган турли хил маънолар ифодалянади.

Кишиларнинг коммуникация жараёнида тежамкорликка интилиши табиий, тил бирликларини ортиқча қўллашда ҳам маълум бир мақсад кўзда тутилади. Ортиқчалик нутқ жараёнида турли сабаблар туфайли юзага келади. Тилшуносликда ортиқчалик ҳодисаси тежамкорликка эришилмаган, унга қарши турувчи ҳаракат сифатида баҳоланади. Ортиқчалик ҳар қандай ҳолда, ҳатто инсон ҳиссиётлари доирасида ҳам юз беради. Инсон ўз ҳис- туғуларини ҳар доим ҳам онгли равишда бошқара олмайди, бу эса ўз навбатида тил бирликларини танлашга ҳам таъсир этади.

Сўзловчининг коммуникатив нияти, муносабати, ижтимоий мавқеи, эътиқоди, миллий ўзлиги ифодаси бўлган матнда намоён бўлади. Ўзбек тилида матннинг прагматик хусусиятлари бўйича кузатиш олиб борган М.Ҳақимовнинг таъкидлашича, “Ҳар қандай матнда ахборот сўзловчининг ички мақсади бошқарувида икки мазмуний кўринишдан иборат бўлади. Булар ёйиқ ва йиғиқ мазмун шакллариدير. Бундай мазмун шакллари сўзловчининг коммуникатив нияти билан боғлиқ равишда матннинг у ёки бу қисмларида намоён бўлади. Ахборот баён этилишининг ёйиқ шакллариға хос ифода имкониятлари хилма-хил бўлганидек, йиғиқ- яширин ифода усуллари ҳам турличади. Йиғиқ-яширин ахборот контекстлари турлича шакллардан иборат бўлганлиги учун нисбатан лингвистикаға оид назарий адабиётларда “Бир умумий тушунчани ифода этувчи умумяширин “импликация” атамасини қўллайдилар. Ўзбек тилида яширин мазмун кўринишлари алоҳида диссертацион планда тадқиқ этилмаган” [3].

Юқорида келтирилган мулоҳазадан ҳам кўринадики, кишилар ўз фикрларини тингловчи ёки ўқувчига етказишда ифоданинг икки шакли, яъни шаклий жиҳатдан йиғиқ, мазмуни яширин бўлган имплицит ифодадан ва шакли ҳамда мазмуни очик, ошқора бўлган эксплицит ифодадан фойдаланадилар. Ўзбек тилида имплицит шаклда фикр ифодаланишида тилимиздаги мақол ва маталлар,

топишмоқлар, фразеологизмлар муҳим ўрин тутади. Тилшунос М.Ҳақимов фикр ифодалашнинг имплицит шакллари умуяширин мазмун сифатида қарайди ва тағмаёно атамасини қўллашни маъқул қўради. Унинг ёзишича, “Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги хусусий муносабат пропозиционал мазмун асосидаги диктумнинг куршовида баён қилинади ва баъзида бундай ифодалар яширин мазмун қўрилиши сифатида матн ичига жойлаштирилади” [4]. Масалан, куйидаги матнда ёзувчи кўзда тугган мақсад ўзига хос имплицит тарзда бадиийлик касб этган: “Гилам сотсанг, дўстинга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан”, деганлари шу-да! Хотиндан куйган Самандар хотинидан ажрашиб дўстига арзи ҳол қилганида, Турсунали қулай фурсат келганини фаҳмлаб, кайфи ошиб чулдираб қолган ошнасига Нафисани рўпара қилди. Нафиса йиғлади, таранг қилди, сўнг тайинли бир эрга, яна тўғри Москва билан гаплашадиган олим эрга эга бўлишини англагач, кўнди... Хуллас, “гилам кўшнига сотилди”, “бир чеккасида роҳат ила ўтирмоқ” эса давом этди. Бирок, “гилам эгаси нима учун гиламда ўтиради?” деган ҳасад қалбини ёндираверди. Аслида “гиламни” сотмаса ҳам бўларкан. (Т.Малик, “Мурдалар гапирмайдилар” романи)

Юқоридаги матнда асар қаҳрамонларидан бири Турсуналининг Нафисани дўсти Самандарга турмушга чиқишга кўндиргани ва унинг уддасидан чиққанлиги яширин тарзда ифодаланган. Ёзувчи персонажлар хатти-ҳаракати, уларнинг характер-хусусиятлари баҳо беришда, уларга ўз муносабатини билдиришда яширин маъно ифодалаш воситалари бўлган мақол ва иборалардан моҳирона фойдаланган. Бунда у гилам сотсанг, дўстинга сот, бир чеккасида ўзинг ҳам ўтирасан мақолини кўчма маънода қўллаш ва таъкидлаш орқали ўз мақсадига эришган. Ёзувчи ифодаламоқчи бўлган фикрнинг ўқувчи томонидан тез ва осон тушунилиши матнда маъносини ўзида мерос сифатида ифодалай олувчи актуализатори билан боғлиқ бўлади [5].

Адабиётлар

1. Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. –Москва: «Наука», 1984.
2. Юлдашев М. Кўрсатилган докторлик диссертацияси автореферати.
3. Ҳақимов М. Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри. ...дис. автореф. –Т.: 2001.
4. Ҳақимов М. Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри. ...дис. –Т.: 2001.
5. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: Иностранная литература, 1955.
6. Звегинцев В. А. Язык и лингвистическая теория. –М.: МГУ., 1973.
7. Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. –Л.: «Наука», 1972.
8. Бу ҳақда батафсил қар.: Махмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. –Т.: «Ўқитувчи», 1984.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бадиий матннинг таъсирчанлигини, тасвирийликни таъминлашга хизмат қилувчи эксплицит ва имплицит ифоданинг бадиий қиймати, хусусиятлари ҳақида, шунингдек, фикрни эксплицит ва имплицит ифодалаш орқали ёзувчи эришган бадиий ният ҳақида сўз боради, унинг семантик-синтактик белгилар, миллий менталитетга хослиги каби масалалар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросу эксплицитного и имплицитного выражения в художественном тексте, обеспечивающие выразительность и образность текста. Подчеркивается, что авторский замысел также может передаваться эксплицитно и имплицитно. Рассматриваются также способность семантико-синтаксических знаков передавать национальный менталитет каждого народа.

SUMMARY

The article deals with the issues of explicit and implicit expression in a literary text, providing it the expressiveness of the text. The author's ideas and views can also be expressed explicitly and implicitly. The author of the article emphasizes the ability of semantico-syntactical signs to express the national mentality of the people.

УДК: 809.51-5

К-23

ОТНОСИТЕЛЬНО ВЫРАЖЕНИЯ ИСХОДНОЙ ТОЧКИ ПРЕДЛОГАМИ 由you, 自zi И 打da В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ

А.А.Каримов - кандидат филологических наук, доцент
Ташкентский государственный институт востоковедения

Таянч сўзлар: хитой тили, олд кўмакчи, бошлангич нукта, оғзаки тил, адабий тил, грамматик конструкция.

Ключевые слова: китайский язык, предлог, исходная точка, устная речь, письменный язык, грамматическая конструкция.

Key words: Chinese, preposition, the starting point, the spoken language, the written language, grammatical construction.

В учебных пособиях по китайскому языку обычно в качестве средства для выражения исходной точки указывают предлог 从cong, ей была посвящена одна из наших предыдущих статей [1:32]. Следует признать, что кроме 从cong, на самом деле есть и другие средства выражающие исходную точку в китайском языке. Некоторые из них стали объектом нашего исследования.

Семантически близкое к предлогу 从cong, а также почти одинаковое с ним употребление имеет предлог 由you. Как и предыдущий предлог 由you может передавать следующие значения:

1. выражает исходную точку места, времени, перемены явления, имеет схожее значение с предлогом 从cong. Следует сказать, где бы ни употреблялся предлог 从cong, там же можно употребить и предлог 由you. Разница лишь в том, что

Юқоридаги матнда қўлланилган “Гилам сотсанг кўшннига сот, бир чеккасида ўзинг ҳам ўтирасан” мақоли ана шундай актуализатор вазифасини бажармоқда. Тўғри, бундай ҳолларда ёзувчининг асосий мақсади ошқора ифодаланмасдан, тилда намоён бўлмасдан онгда сақланади, бироқ ҳамма вақт ўз актуализатори орқали англашилади, яъни бошқа бир синтактик бирликда ўз ифодасини топади. Бу яширин категориянинг намоён бўлиши усулларини тил категориялари қаторида санашга тўғри келади [6].

Шунинг учун ҳам С.Д.Кацнельсон “Яширин грамматика” бу синтактик бирликлар ва сўзлар семантикасида имплицит равишда мавжуд бўлган грамматик сигналлардир” деган эди [7]. Шунга қараб, ёзувчи томонидан ишора қилинаётган, аммо матнда атайлаб берилмаган сўзлардан англашилган маъно онгда сақланаётган семантик бирлик бўлса ҳам, гапда намоён бўлиш имкони ўз ўрнини сақлаган, бироқ актуализаторида ифодаланаётган, зарурият туғилса, эксплицит ифодаланувчи яширин бўлак деб айтиш мумкин. Уни имплицит ифода этган актуализатор унинг семантикасини ва грамматик вазифасини ўз устига олган экан, актуализатор маъноси билан синтактик вазифасини ўзгартирган бўлади. Бу ундаги семантик-синтактик номунасобилликни юзга келтиради [8].

Юқорида айtilганлардан хулоса қиладиган бўлсак, имплицит ифодалаган гапларда маъно мезонига таяниб баҳо берилади. Бошқача қилиб айтганда, имплицитлик фикр ифодалашнинг ўзига хос, яширин, кўзда тутилган усули бўлиб, у тўлиқсиз кўринишда бўлиши мумкин эмас. Унда фикр ифодалашда бирор компонент тушириб қолдирилмайди ҳамда маълум бир бўлакларни қайта тиклаш зарурати йўқ. Имплицитлик турли хил нуткий вазиятларга, матн талабига боғлиқ бўлиб, ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам у шакли ва шаклланишига кўра, лингвистик ва матнда бажарадиган вазифаси ҳамда қўлланиш мақсадига кўра услубий восита саналади.

предлог 从cong чаще употребляется в устной речи, а предлог 由you в письменном языке.

Приведём примеры (все китайские примеры взяты из [2:237]), где предлог 由you употребляется при выражении исходной точки места:

这趟列车, 由北京开出, 经济南, 南京就到了终点站山海。
Zhetang liche, you Beijing kaichu, jing Jinan, Nanjing jiu daole zhongdian zhan Shanhai.

Этот поезд выезжает из Пекина, проезжает Цзинань, Нанцзин и прибывает на конечную станцию Шанхай.

明天大家先到方先生家集合, 由方先生那儿走比较近。
Mingtian dajia xian dao Fang xianshengjia jihe, you Fang xiansheng nar bijiao jin.

Завтра все сначала пойдут к господину Фан для сбора, от дома господина Фан идти ближе.